



ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хабибуллаев Хикмат Адамбаевич

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги

ТАТУ Урганч филиали 2-босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7266475>

ARTICLE INFO

Received: 11st October 2022

Accepted: 18th October 2022

Online: 31st October 2022

KEY WORDS

Ахборот хавфсизлиги,
рақамли иқтисодиёт, кибер
муҳит, киберхавфсизлик,
криптомайнер, домен.

ABSTRACT

Сўнги йилларда дунёда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи кундан-кунга устувор ва муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилган.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида давлат ва жамият манфаатларига ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан етказилаётган зарарлар, шунингдек мавжуд ҳамда кутилиши мумкин бўлган таҳдидлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига нақадар жиддий аҳамият қаратиш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, киберхавфсизлик соҳасида “интернет ашёлар” билан боғлиқ таҳликаларнинг юзага келаётгани жиддий хавотирларга сабаб бўлмоқда. Баҳолашларга кўра, бугунги кунда 20 млрд.га яқин қурилмалар интернетга уланган ҳолда ишлайди, келгуси беш йил ичида бу кўрсаткич икки баробар ошиши тахмин қилинган.

“Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси 2020 йилда ўтказган мониторинг натижаларига кўра, интернет миллий сегментида ахборот ва киберхавфсизликка таҳдид солувчи 27 млн.дан ортиқ зарарли ва шубҳали тармоқ ҳодисалари кузатилган.

Мазкур давр ичида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари веб-сайтларига нисбатан содир этилган ҳодисалар сони 144 фоизга ўсган, 243 та веб-сайт экспертизадан ўтказилган, “UZ” миллий домени ҳудудида 337 та, шундан давлат ташкилотлари веб-сайтларида 79 та ахборот хавфсизлиги ҳодисалари [аниқланган](#).

Британиянинг Comparitech тадқиқот компанияси таҳлилчиларининг киберхавфсизлик даражаси бўйича дунё давлатлари рейтинги натижаларига кўра, Ўзбекистон криптомайнерлар ҳужумига энг кўп учрайдиган мамлакат деб топилиб, 60 та давлат ичида 56-ўринни эгаллаган.

Давлат органлари ва идораларининг расмий веб-сайтларини потенциал киберҳужумлардан ҳимоя қилиш мақсадида, “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси томонидан веб-ресурсларни ҳимоя қилиш “WAF” тизими жорий



этилган ва мазкур тизим орқали 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1 364 500 дан ортиқ киберхужумлар аниқланган ва бартараф этилган.

Мазкур статистик рақамларнинг ўзи бугунги кунда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи қанчалар долзарб эканлигини яққол кўрсатиб бермоқда.

Бу эса ўз навбатида Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида ахборот хавфсизлига алоҳида эътибор қаратишни ҳамда янгича ёндашувни талаб қилади.

Шу муносабат билан республикамызда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини батафсил ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда бу юзадан зарур таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳаллий ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассислари томонидан келгусида Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш даражасини ошириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тақсия этилган:

— Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини қабул қилиш, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун ҳамда “Йўл харитасини”ни ишлаб чиқиш;

— “Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенция”ни ратификация қилиш;

— минтақавий ва халқаро миқёсда киберхавфсизлик билан шуғулланадиган етакчи ташкилотларнинг йиғилишларини Ўзбекистон Республикасида ўтказиш ҳамда бирор мамлакатнинг киберхавфсизлик салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳаларида иштирок этиш;

— киберхавфсизликка оид минтақавий ва халқаро даражада ташкил этиладиган мусобақаларда иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

— киберхавфсизлик сиёсатини миллий даражада мувофиқлаштириш учун қўмита, кенгаш ёки ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш;

рақамли хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар зиммасига киберхавфларни бошқариш вазифаларини юклашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

— ахборот хизматлари кўрсатувчи компания ва ташкилотларнинг киберхавфсизлик сиёсатини самарали йўлга қўйгани бўйича ҳисобдорлигини ошириш;

— давлат секторига рақамли хизматларни тақдим этувчиларнинг киберхавфсизлик талабларини бажаришига оид жавобгарлигини кучайтириш;

— ўрта таълим мактабларининг ўқув дастурларига киберхавфсизлик ва компьютер хавфсизлиги соатларини киритиш.

Умуман олганда, юқорида келтирилган ташкилий ва амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасини киберхавфсизлик йўналишидаги халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармонига кўра:

ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходими ахборот технологиялари соҳасида ўқитилади;



Рақамли таълимни ривожлантириш бўйича 2021 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, маълумотлар базаси ва «булутли» платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаш тизими жорий этилади.

2020 йил 1 ноябрдан бошлаб барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Chief Digital Officer) ваколатлари юклатилган ва идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини, шунингдек, электрон маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳимоясини таъминлаш уларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» СТРАТЕГИЯСИга кўра Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида халқаро электрон тижорат стандартлари ва замонавий ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун электрон тижоратни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, мавжуд стандартлар ва электрон тижорат қоидаларини такомиллаштириш ва янгилаш;

Таҳлил ва натижалар

Мақолада кўриб чиқилган масалалар, келтирилган статистик маълумотлар ҳамда мутахассислар фикри, шунингдек мамалакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминланганлик ҳолати, амалга оширилган ишлар ҳамда режалардан келиб чиқиб келгусида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қуйидаги таклифларни амалга ошириш зарур ҳисобланади:

ҳудудларда аҳолини рақамли саводхонлигини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва хавфсизлиги бўйича ўқитиш чораларини кўриш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари, шунингдек аҳолининг кибер муҳитда турли ҳужумлардан ҳимояланиш ҳамда шахсий маълумотларни хавфсиз сақлаш бўйича оммавий ахборот воситаларида хусусан катта аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқларда доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бориш;

Кибер муҳитда хусусан ижтимоий тармоқларда аҳолининг шахсий маълумотлари ва пул маблағларини турли йўллар билан ноқонуний равишда қўлга киритишга уриниш ҳолатларини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга уринаётган шахслар фаолиятига чек қўйиш;

Кибер муҳитда аҳолининг шахсий маълумотлари ва пул маблағларини ноқонуний равишда ўғирлаш ҳаракатларини янги турлари пайдо бўлган шароитда ушбу таҳдидлардан аҳолини огоҳлантириш ҳамда таҳдидлардан ҳимояланиш усуллари тўғрисида жамоатчиликни хабардорлик даражасини ошириш тизимини жорий этиш;

Кибер муҳитда турли таҳдидлардан ҳимояланиш усуллари тўғрисида қўлланмалар тайёрлаш.

Юқорида келтирилган таклифлар асосида тегишли чоралар кўрилса Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш,



айниқса аҳолининг кенг қатламларининг шахсий маълумотлари ва маблағларининг ҳимоя қилинишига эришилади.

Умуман олганда ўрганишларимиз натижасида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини қуйидаги уч турга ажратиб таҳлил қилиш ҳамда мазкур уч йўналиш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди:

Давлат органлари ва ташкилотлари расмий веб-сайтлари ва ахборот ресурслари ҳимоясини таъминлаш;

Бизнес соҳаси вакиллари ва ташкилотлари (корхоналар, компаниялар, акциядорлик жамиятлари, корпорациялар ва ҳоказо)ни ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

Аҳолининг шахсий маълумотлари ва маблағларини хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоялаш.

Шу муносабат билан мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини мазкур учта йўналишга ажратиб, ҳар бир йўналиш учун алоҳида таклифларни ишлаб чиқиш зарур.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони
2. А.Ж.Сиддиков. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга доир ёндашувлар. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil
3. <https://csec.uz/uz/>